

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«РАХТАСANOAT ILMIY MARKAZI» АЖ

АКРАМОВ АЛИШЕР АШУРАЛИЕВИЧ

**ТУКЛИ УРУҒЛИК ЧИГИТ ДОРИЛАШ УСКУНАСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехникатизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Акромов Алишер Ашуралиевич

Тукли уруғлик чигит дорилаш ускунасини ишлаб чиқиш ва
параметрларини асослаш..... 3

Акромов Алишер Ашуралиевич

Разработка устройства для протравливания опушённых семян
хлопчатника и обоснование его параметров.....23

Akramov Alisher

Development of a device for etching pubescent cotton seeds and justification of
its parameter..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 44

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«РАХТАСANOAT ILMIY MARKAZI» АЖ

АКРАМОВ АЛИШЕР АШУРАЛИЕВИЧ

**ТУКЛИ УРУҒЛИК ЧИГИТ ДОРИЛАШ УСКУНАСИНИ ИШЛАБ
ЧИҚИШ ВА ПАРАМЕТРЛАРИНИ АСОСЛАШ**

**05.02.03 – Технологик машиналар. Роботлар, мехатроника
ва робототехникатизимлари**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Т781 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Paxtasanoat ilmiy markazi” акциядорлик жамиятида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Наманган муҳандислик технология институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасига www.nammti.uz ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида www.ziyo.net манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Джамолов Рустам Камолидинович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Мухаммадиев Давлат Мустафоевич
техника фанлари доктори, профессор

Обидов Авазбек Азаматович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил 22 август соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳар, Косонсой, 7-уй. тел: (+99869) 228-76-68, факс: 228-76-75; e-mail: nei_info@edu.uz., Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, 1-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертацияси иши билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (384-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 228-76-68

Диссертация автореферати 2020 йил 17 август куни тарқатилди.
(2020 йил 17 августдаги № 23 рақамли реестр баённомаси).



Р.М.Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор

О.Ш. Саримсаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, техника фанлари доктори, профессор

К.М. Холиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 7-октябрни Бутунжаҳон Пахта куни, деб эълон қилди. Шу муносабат билан 2019 йилнинг шу санасида Женева шаҳрида ўтказилган форумда «пахта - инсоният учун аҳамияти юқори бўлган Глобал товар»¹ сифатида эътироф этилди. Дунё пахта бозорларидаги рақобатнинг кучайиши, пахта етиштирувчи мамлакатларда пахтанинг янги селекция навларини етиштириш ва районлаштириш, уруғ тайёрлаш технологияларини ривожлантириш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш эвазига унинг улгуржи нархларни камайтириш масалаларининг долзарблигини янада ошириш. Шунга кўра дунё бозорида уруғлик пахта чигити сифатини яхшилаш ва таннархини камайтириш, уни мақсадли дориллаш йўли билан унинг унувчанлигини ошириш, уруғ сарфини камайтириш, касалликка чидамлилигини ошириш мақсадида уруғлик чигит ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида, шунингдек, кимёвий препаратлар билан ишлов бериш жараёнларида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини камайтирувчи ресурстежамкор технологияларни яратиш муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида пахтанинг юқори истеъмол хусусиятларига эга бўлган навларини яратиш, сифатли уруғ тайёрлаш, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир этадиган меъёрий технологик параметрларни ишлаб чиқиш, уруғлик чигитга ишлов беришнинг янги техника ва технологияларини яратиш алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада уруғлик чигит сифат кўрсаткичларини тубдан ўзгартириш, юқори унувчанлик, кимёвий препаратлар билан бир меъёردа ва текис ишлов берилганлик кўрсаткичларига эга бўлган уруғлик чигит ишлаб чиқариш йўналишларида мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда республикамизда пахта етиштириш, уни дастлабки ва чуқур қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган тайёр маҳсулотларнинг турлари ва ассортиментини кенгайтириш, шунингдек, тармоқ корхоналарининг инвестиция ва экспорт фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Соҳада пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пахта уруғчилиги, пахта етиштириш ва уни дастлабки ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пахта толасидан тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг замонавий тизимини шакллантириш ва ривожлантириш

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. <https://icac.org/>, email secretariat@icac.org. October 7, 2019.

тадбирлари кўрилмоқда. Бу борада, ҳар қандай маҳсулот сифати, энг аввало, унинг хом ашёси сифатига боғлиқ эканлигини ҳисобга олсак, пахта селекцияси, унинг уруғини тайёрлаш техникаси ва технологиясининг такомил даражаси сифатли тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бирламчи омил эканини кўриш мумкин. Шунга кўра, уруғлик пахта чигитига ишлов бериш технологиясини, маҳсулотни бир меъёрада, текис дориланишини таъминлаш ва ресурсларни тежовчи техникавий ечимлар орқали уни такомиллаштириш тизим олдидаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 апрелдаги 5708-сонли «Қишлоқ хўжалигида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Ушбу илмий тадқиқот иши фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишлари II. «Энергетика, энергия ва ресурсларни тежаш» га мувофиқ амалга оширилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Агротехник тадбирларни тўғри қўллаш натижасида ғўза ўсимликларининг ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароитлар яратиш юқори сифатли уруғлик олишнинг омилларидан биридир. Иккинчи омил—уруғлик чигитларни саралаш билан дорилаш орқали техник аралашув. Пахта чигитларини саралаш, делинтерлаш ва дорилаш технологиясини ўрганиш кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар В.Усмонов, У.Кабиллов, В.Г.Ракипов, А.Юсубалиев, Р.К.Джамолов, Р.Х.Джураев, Б.Н.Емелин, И.П.Масло, Е.И.Кубеев, М.Х.Байгускаров, И.М.Салахов ва бошқалар томонидан олиб борилган. Юқоридаги олимларнинг изланишлари натижаларига кўра, тайёрланган чигитнинг сифатини яхшилайдиган такомиллаштирилган саралаш ва дорилаш ускуналари ишлаб чиқилиб, пахта чигитини экишга тайёрлаш технологиясига жорий этилди.

Шу билан бирга, кейинги йилларда яратилган ва районлаштирилган чигитларнинг физик-механик хусусиятларини ўрганиш, шунингдек, чигитларни турли чет аралашмалардан юқори даражада тозалаш, уруғли чигитни сифатли, юқори аниқликда саралаб олиш, энергия ва ресурс сарфини

камайтириш, уруғлик чигитнинг талаб этилган сифат кўрсаткичларини таъминлаш йўналишларида ҳам кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда.

Пахта чигитини саралаш ва дорилаш учун техник воситаларни яратишда ҳам муайян ютуқларга эришилган, аммо, бу ютуқларга қарамай мавжуд дорилаш ускуналарида дорилаш тўлиқлигини таъминлаш муаммолари бугунги кунга қадар тўлиқ ҳал этилмаган, шунингдек дориланаётган уруғлик чигитни иш унумдорлигига қараб, тўғридан-тўғри дорилаш пайтида дори суспензиясини меъёрлаб бериш аниқлиги ўрганилмаган. Бундан ташқари, пахта хомашёсини тайёрлаш маданиятининг барқарор ўсиши давр талабларига жавоб берадиган мутлақо янги, юқори унумли машина ва механизмларни яратишни талаб этмоқда.

Диссертация мавзусининг илмий тадқиқот марказининг тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши "Пахтасаноат илмий маркази" АЖ нинг илмий-тадқиқот режаси доирасида "Дори сарфини дорилагичнинг иш унумдорлигига мувофиқлаштирилган ҳолда меъёрловчи дорилаш самарадорлигини оширувчи дорилаш ускунасини ишлаб чиқиш" мавзуси ва И-2015-2-3-сонли "Пахта чигитини линтерлаш технологик жараёнини автоматик назорат қилиш учун энергия тежайдиган микропроцессорли тизим ишлаб чиқаришни жорий этиш, суспензиянинг сарфланиш миқдорини пахта чигити дозаторининг унумдорлиги билан мослаштирадиган дорилагични ишлаб чиқиш" давлат грантларига мувофиқ олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади: дорилаш жараёнига тукли чигитни бир меъёрда узатишга асосланган уруғлик чигитга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш асосида тукли чигитни дорилаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дорилаш учун тайёрланган пахта чигитини ўрганиш объекти сифатида ўрганиш;

танлаб олинган дорилаш ускунаси конструкциясини назарий ўрганиш ва унинг асосий параметрларини асослаш;

танлаб олинган дорилаш ускунасида экспериментал тадқиқотлар ўтказиш ва дорилашнинг зарур тўлиқлиги ва бир хиллигини таъминлаш учун унинг асосий параметрлари ва режимларини асослаш;

танлаб олинган дорилаш ускунасини конструкциясини ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш;

танлаб олинган дорилаш ускунасини лаборатория ва ишлаб чиқариш шароитида экспериментал ўрганиш, унинг агротехник ва энергетик кўрсаткичларини аниқлаш;

танлаб олинган дорилаш ускунасини техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш;

такомиллаштирилган дорилаш ускунасини ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва уни ишлаб чиқаришга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тукли уруғлик чигитни дорилаш ускунасининг экспериментал намунаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Пахтанинг тукли чигитини дорилашнинг технологик жараёни, пахтанинг тукли чигитини дорилашнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларининг дорилагич конструктив ва технологик параметрларига, чигитларнинг технологик хусусиятларига боғлиқлик қонуниятлари тадқиқот предметини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда амалий жараёнларни статик ва динамик моделлаштириш, тўлиқ факторли экспериментлар, кузатиш, ўлчаш, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар воситасида оптималлаштириш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

пахта чигитининг табиий хусусиятлари, уни экишга тайёрлаш технологик жараёнлари таҳлили ва чигитнинг бир текис дориланиши шартларини ҳисобга олган ҳолда тукли чигитни қурилмага бир меъёрда узатишга асосланган дорилаш технологияси ишлаб чиқилган;

тукли чигитларни бир меъёрда дорилашни таъминлаш шартидан келиб чиқиб, чигит оқимиغا ишчи суспензияни бир хил босимда узатувчи стабиллаштириш қурилмаси яратилган;

вақт бирлигида узатилаётган тукли чигитни миқдорига мос равишда дори суспензиясини узатиш механизми яратилган;

тўлиқ омилли тажриба натижаларидан келиб чиқиб, тукли чигит дорилагичининг асосий конструктив-эксплуатацион параметрлари асосланган;

чигит дозатори камерасида чигит ҳаракатига таъсир кўрсатувчи кучлар катталиги, йўналишлари ҳамда ишчи юзалар ва чигитнинг реакциясини ҳисобга олган ҳолда рационал иш унумини таъминловчи чигит тароғидан юлдузчали цилиндр тишларининг чиқиш баландлиги аниқланган;

дозатор қия тарнови бўйлаб чигит ҳаракати динамикаси таҳлили асосида чигит оқимининг зарур миқдорини таъминловчи тарнов оғиш бурчагининг рационал қиймати аниқланган.

Олинган натижаларнинг ишончилиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг мослиги, уруғларни дорилаш жараёнининг математик моделларини оқилона танлаш, дорилаш ускунасини ишлаб чиқаришга жорий этишда олинган ижобий натижалар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация ишининг илмий аҳамияти чигит бўйича унумдорликнинг чигит дозалаш мосламаси параметрларига боғлиқлигини назарий жиҳатдан аниқлаш, қия тарнов бўйлаб уруғлик чигит ҳаракатининг тезлиги ва вақтини, шунингдек қия тарновда жойлашадиган чигитнинг массасига боғлиқ равишда қия тарновнинг тебраниш қонуниятлари аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти такомиллаштирилган дорилаш ускунасидан фойдаланиш пахтанинг тукли чигитларини дорилаш тўлиқлиги

ва бир хиллигини ошириши билан изоҳланади. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларидан ишлаб чиқариш шароитида такомиллаштирилган дорилагични ишлатишда фойдаланишлари мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Дорилаш жараёнига тукли чигитни бир меъёрга узатишга асосланган уруғлик чигитга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича қилинган тадқиқотлар асосида:

уруғлик чигитни дорилаш жараёнига суспензия узатиш механизми фойдали моделига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (“Уруғ дорилагичи”. FAP №00873 – 2014й.). Натижада уруғлик чигитнинг унувчанлигини 96-98% гача ошириш таъминланган;

уруғлик чигитни дорилаш жараёнида суспензия босимини стабиллаштириш қурилмаси фойдали моделига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги патенти олинган (“Ишчи суспензия босимини стабиллаштирувчи қурилма”. FAP №01412 – 2019й.). Натижада уруғлик чигитнинг дориланиш тўлиқлигини 91% гача оширишга эришилган;

тукли уруғлик чигит дорилаш ускунаси “Ўзпахтасаноат” АЖ тасарруфидаги корхоналарда, жумладан, Қўшқўпир пахта тозалаш корхонаси ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехи технологик жараёнига жорий қилинди (2019 йил 28 декабрдаги 03-16/7574-сонли “Ўзпахтасаноат” АЖ маълумотномаси). Натижада бир тонна чигитга сарф қилинадиган суспензия миқдорини 9-10 фоизга тежаш, чигитнинг дориланиш тўлиқлиги ва унувчанлиги оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро, 1 та Республика конференцияларида ва 1 та илмий семинарда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши Диссертация мавзуси бўйича 9 та илмий мақола, шу жумладан 6 таси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда чоп этилган. № FAP 00873 ва № FAP 01412 рақамли 2 та патент олинди.

Ишнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертация иши 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари келтирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

асосланган, тадқиқот натижалари амалиёти, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **"Муаммони ўрганилганлик ҳолати ва тадқиқот вазифалари"** бўлими адабий манбаларни аналитик таҳлилига ва чигитларни экиш техникалари ва технологияларининг ҳозирги ҳолатига бағишланган. Ушбу бобда ғўза касалликлари турлари, уруғларни экиш олдидан ишлов бериш, шу жумладан уруғларни саралашнинг аҳамияти, уруғларни дорилаш усуллари ва уни амалга ошириш учун техник воситалар таҳлил қилинган.

Пахта чигитини дорилаш учун пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш масканларининг дорилаш цехларида турли хил модификациядаги дорилагичлар қўлланилади. Шундай қилиб, туксизлантирилган пахта чигитларини дорилаш учун, АПХ-5, 2-ОСХ, УОСХ-6 дорилагичлари, шунингдек КПС-15 ускуналари мажмуаси ва шунга ўхшаш КПС-19 комплекси ишлатилади, тукли уруғлик чигитларни дорилаш учун модернизация қилинган УОСХ-6, СП-3М дорилагичлари ва I-JS-8/L ("Юбус" Испания) дорилагичлари ёки КПХ-6 жиҳозлари мажмуи ишлатилади.


Бу уруғликни дорилаш ускуналарида, чигитни порция-порцияга бўлиб узатиш дозаторлари ишлатилади ва ишчи ходимлар томонидан ўрнатилган зарур бўлган суспензия миқдори уруғлик чигитнинг маълум бир порциясига сепаб берилади. Уруғлик чигитни узатиш иш унумдорлиги ўзгариши билан суспензия миқдорини ишчи ходим томонидан қайта созланиши керак бўлади. Шунинг учун уруғлик чигитни дорилаш сифати ишчининг малакасига боғлиқ ва ҳар доим ҳам таъминланмайди.

Тукли уруғлик чигитини дорилаш учун такомиллаштирилган дорилагич схемаси ишлаб чиқилган ва тажриба намунаси тайёрланган (1-расм).

Экспериментал дорилагич намунасида дорилашнинг технологик жараёни қуйидагича: дорилаш учун тайёрланган уруғлар ускунанинг юқори бункерига йўналтирилади. Бункерни уруғлар билан тўлдириши билан чигит дозатори юргизиш мосламаси ёрдамида ишга туширилади ва белгиланган иш унумдорлигидаги чигитлар тебранувчи тарновда харакатланиш вақтида чигитларни массаси таъсирида автоматик жўмракни очади, белгиланган иш унумдорлигидаги чигитга зарур миқдордаги суспензияни беришни таъминлайди.

Кейин, компрессордан келадиган ҳаво ёрдамида, сепгич (форсунка) ишчи суспензияни кичик томчиларга ажратади ва тебранувчи тарновдан тушаётган чигитларга сепаб беради. Дориланган чигитлар аралаштириш ва қадоқлаш учун олти қиррали барабан ичига киради.

Таклиф этилаётган тукли уруғлик чигитларни дорилагич схемаси асосида унинг параметрлари ўзгартириладиган экспериментал нусхаси тайёрланди, тадқиқотнинг услубияти ишлаб чиқилди, мақсадлари ва вазифалари белгилаб олинди.



1-расм. Тукли уруғлик чигитларни дорилагичнинг принципиал схемаси


1-бункер; 2-суспензия учун идиш; 3 босимли идиш; 4-уруғлик чигит дозатори; 5-тўсгич; 6-жўмрак; 7-тебраниш тарнови; 8-сепгич(форсунка); 9-қарши вазн; 10-компрессор; 11- аралаштириш барабани.

Диссертациянинг иккинчи "**Пахта чигитини дорилаш ускунасини параметрларини ҳисоблашнинг назарий асослари**" бўлимида тукли уруғлик чигитларни дорилаш ускунасининг таклиф этилган намунасини асосий параметрларини назарий асослаш натижалари келтирилган.

Тавсия этилган уруғлик чигитни дорилагич ускунасида чигитни етказиб бериш унумдорлигини колосник панжарасидан барабан тишларининг чиқадиган қийматини ўзгартириш орқали назорат қилишни таъминлайди.

Барабаннинг тишлари томонидан ушланиб, олиб кетилаётганда чигитларнинг ағдарилиши ҳолатини аниқлайлик. 2-расмнинг ҳисоб схемасидан кўринадикки, чигитга қуйидаги кучлар таъсир қилади: \bar{G} - оғирлик кучи, \bar{N}_1, \bar{F}_{T1} чигитлар ва барабан тишлари юзаси орасидаги реакция ва ишқаланиш кучи; \bar{N}_2, \bar{F}_{T2} — чигитлар ва колосник юзаси орасидаги реакция ва ишқаланиш кучи;

\bar{N}_3, \bar{F}_{T3} - чигитларни ушлаш ва етказиш зонасида сурилаётган чигитлар билан қолган чигитлар орасидаги реакция ва ишқаланиш кучи. Бундан ташқари, ушланган чигитга инерция кучи ва марказдан қочирувчи куч таъсир қилади.



2-расм. Чигит дозатори барабанининг тишлари билан чигитни ўзаро таъсирининг ҳисоб схемаси

Белгиланган иш унумдорлигини таъминлаш шартларидан, барабан тишининг колосникдан чиқиши баландлигини (h) аниқлаш учун ифода олинди:

$$h \geq \left[\frac{h_2}{f} + \frac{N_3}{fN_2} (f_3 h'_3 - h_3) + \frac{m(\omega^2 R h_G + g h_G)}{fN_2} \right] \quad (1)$$

бу ерда m - чигит массаси; ω - тишли барабаннинг бурчак тезлиги, R -барабаннинг айланиш ўқиға нисбатан чигит массаси марказининг жойлашиши радиуси, $h_G, h_1, h_2, h_3, h'_1, h'_2$ - барабан тиш юзаси билан кесишган A нуқтасига нисбатан тегишли кучларнинг елкалари.


(1) формулага мувофиқ, чигит етказиб беришнинг бир қаватли оқимида барабан тишларининг колосникдан чиқадиган баландлиги $(7,0 \div 7,5) \times 10^{-3}$ м, чигитларни икки қатламли таъминотида тишларнинг колосникдан чиқадиган баландлиги $(11,0 \div 13,0) \times 10^{-3}$ м, ни ташкил қилади. Дорилаш ускунасининг $(4,0 \div 4,5)$ т/с иш унумдорлигида ишлашини ҳисобга олган ҳолда, h нинг тавсия этилган қийматлари $(7,0 \div 10,0) \times 10^{-3}$ м га тенг танланиши мумкин.

Кейинчалик, чигит дозатори параметрларининг ўзгариши натижасида дорилагичнинг қия текислигига чигитнинг тушиш йўналиши ўрганилди (3-расм).

Назарий ўрганиш натижаларига кўра, дозаторнинг параметрларига боғлиқ равишда чигитнинг ҳаракатини аниқлаш учун қуйидаги формула тавсия этилди:


$$x = V_0 \left[\frac{V_0 \sin \alpha \pm \sqrt{V_0^2 \sin^2 \alpha + 2gh}}{g} \right] \cos \alpha \quad (2)$$

бу ерда g – эркин тушиш тезланиши, α - чигитнинг барабан тишларидан ташлаш бурчаги, V_0 - чигитларнинг дастлабки чизиқли тезлиги.




3-расм. Чигит дозаторидан чигитни тушиш йўналишини аниқлаш учун ҳисоб схемаси

4-расмда тишли барабан ва қия тарнов орасидаги майдонда пахта чигити ҳаракати траекториясининг ўзгариши графиги кўрсатилган. Олинган чигит траекторияларининг таҳлили шуни кўрсатадики, тишли барабаннинг айланиш частотаси ошиб бориши билан траекториянинг горизонтал таркибий қисми ортади. Шундай қилиб, тишли барабаннинг $5,6 \text{ с}^{-1}$, бурчак тезлигида чигитнинг траекторияси тўғри чизиқли бўлмайди ва қия тарновгача боради, координатаси $y=0,214 \text{ м}$ и $x=0,072 \text{ м}$, ва $7,0 \text{ с}^{-1}$ бурчак тезлигида қия тарновдаги чигитнинг координаталари $y=0,102 \text{ м}$ и $x=0,196 \text{ м}$ га етади. Бу шуни англатадики, тишли барабаннинг бурчак тезлиги ортиши билан горизонтал ўқ бўйлаб чигит ҳаракати координатаси ошиб, вертикал ўқ бўйлаб эса камаяди. Бундан келиб чиқадики, x ўқи бўйлаб чигит ҳаракати координатасининг кўпайиши, чигитнинг қия тарнов бўйлаб ҳаракатланиш қийматларининг ошишига олиб келади, бу эса бизни қониқтирмайди.



4-расм. Пахта чигитларини тишли барабан ва қия тарнов оралиғида ҳаракати траекториясининг ўзгариш графиги: а-тишли барабаннинг айланиш частотаси ўзгартирганда; б-барабан тишларидан чигитларни ташлаш бурчаги ўзгарганда

Тавсия этилган чигитларни дорилаш ускунасида чигитларни ишчи суспензияни сепиш зонасига бир текисда узатиб берилиши жуда муҳим. Шу сабабли, чигитнинг қия тарнов бўйлаб ҳаракатланишини ўрганиш мақсадга мувофиқдир. 5-расмда дорилаш ускунаси қия тарновининг ҳисоб схемаси келтирилган.



5-расм. Қия тарнов бўйлаб чигитнинг ҳаракатланишини ўрганиш ҳисоб схемаси


Уруғлик чигитнинг дастлабки тезлигини ҳисобга олган ҳолда қия тарновнинг охирида уруғлик чигитнинг тезлигини аниқлаш учун ифода олинди:

$$\dot{x} = \sqrt{2xg(\sin\beta - f\cos\beta)} \quad (3)$$


бу ерда β - тарновнинг эгилиш бурчаги, f - қия тарнов юзасида чигитнинг ишқаланиш коэффиценти, X - чигитнинг дастлабки координатаси.

(3) ифодани ўлчамларнинг куйидаги: $x = (0,40 \div 0,52)$ м; $\beta = 30^0 \div 55^0$; $g = 9,81$ м/с², $f = 0,2 \div 0,4$ қийматларида ҳисоблаймиз.

б-расмда қия тарновдаги чигит тезлигининг ўзгариш боғлиқлик графиги кўрсатилган.



а)




б)

б-расм. Қия тарновдаги чигит тезлигининг ўзгариши боғлиқлиги графиги

ба графикдан кўринадики, тарновнинг қиялик бурчагини катталашини чигитнинг тарнов охиридаги тезлигини нозикли қонуният билан кўпайишига олиб келади. Демак, $f=0,4$ га тенг қийматда β бурчакнинг 30° дан 55° гача катталашини чигит тезлигини $1,21$ м/с дан $2,33$ м/с гача, $f=0,2$ га тенг қийматда эса тезлик V_c ни $1,74$ м/с дан $2,55$ м/с гача кўпайишига олиб келади. Шу сабабдан дори суспензиясини сепиш жойига узатиладиган чигит миқдорини кўпайтириш учун тарновнинг қиялик бурчагини ёки чигит билан тарнов юзаси орасидаги ишқаланиш коэффициентини камайтириш керак бўлади. Пахта чигитини дорилаш бўйича унумдорлигини $(4,0 \div 4,5)$ т/с бўлишини таъминлаш учун, бурчак $\beta=40^\circ \div 45^\circ$, $f=0,30$ га тенг бўлиши тавсия этилади. 6б графикдан кўринадики, ишқаланиш коэффициенти $f=0,4$ га тенг қийматда тарнов узунлигини $0,4$ м дан $0,52$ м гача ошиши чигит тезлигини тарнов охирида $2,33$ м/с гача, ишқаланиш коэффициенти $f=0,2$ га тенг қийматда эса $2,55$ м/с гача кўпайишига олиб келади. Пахта чигитини дорилаш бўйича унумдорлигини $(4,0 \div 4,5)$ т/с бўлишини таъминлаш учун тишли барабаннинг 60 айл/дақ. га тенг айланиш тезлигида тарновнинг узунлиги $(0,48-0,52)$ м га тенг бўлиши тавсия этилади.

Уруғларнинг вазнига боғлиқ равишда қия тарновнинг тебранишларини ўрганиш учун тебраниш тизимининг математик модели тузилган (7-расм).



1-қия тарнов; 2- юкнинг дастаги; 3-юк (қарши юк); 4 шкала дастаги

7-расм. Тебраниш тизимининг математик модели


Иккинчи тартибли Лагранж тенгламаларидан фойдаланиб, тизимнинг тебранишларини тавсифловчи қуйидаги дифференциал тенглама олинди:

$$J_n \ddot{\zeta}_l = \frac{1}{2} g l_l \sin \zeta_l (m_l + n m_c) + (0,05 \div 0,075) n m_c g l_l \sin \zeta_l \sin \omega t - \frac{g}{2} (l_p m_p + l_p m_{zp}) \sin(\sigma + \zeta) - \frac{1}{2} l_2 m_2 \sin(\sigma + \theta + \zeta_n) - M_K \quad (4)$$

бу ерда l_p - қарши юк дастагининг узунлиги; m_p - қарши юк дастагининг массаси; m_{cp} - юкнинг массаси; l_{cp} - дастагда юкни ўрнатиш қисми елкаси узунлиги; σ - қарши юк дастагининг эгилиш бурчаги; l_2 - дастагининг кронштейн билан узунлиги; m_2 - дастагининг кронштейн билан массаси; - дастагининг кронштейн билан эгилиш бурчаги; M_k - жўмракнинг тўскичи томонидан дастагининг бармоқларига тушадиган қаршилик; l_n - қия тарнов узунлиги; ζ - қия тарновнинг бурилиш бурчаги; m_c - чигит массаси; n - бир вақтнинг ўзида тарновда жойлашган чигитнинг сони; m_n - қия тарнов массаси; γ - бир вақтнинг ўзида тебранувчи тарновда жойлашган чигитлар сонининг ўзгариш частотаси.

8-расмда қия тарновда жойлашадиган чигитларнинг жами массасига қия тарновнинг тебранишлари ўзгаришининг боғлиқлик графиги кўрсатилган. Олинган боғлиқлик графигининг таҳлили шуни кўрсатадики, $\sum m_c$ нинг кўпайиши билан қия тарновнинг тебраниш амплитудаси чизикли бўлмаган боғлиқлик билан ортади.

Тарновнинг тебраниши $2,0^0$ дан кам бўлган ҳолатда чигитларнинг тарнов бўйлаб самарали ҳаракатланишига имкон яратилади. Шунинг учун тавсия этилган қийматлар: иш унумдорлигининг $n_p = (4,0 \div 4,5)$ т/с га тенг бўлган қийматида $m_{cp} = (1,0 \div 1,3)$ кг; $\sum m_c = (1,1 \div 1,5)$ кг га тенг.



1-чиси $m_{rp}=1,5$ кг бўлганида; 2-чиси $m_{rp}=1,3$ кг бўлганида;
3-чиси $m_{rp}=1,0$ кг бўлганида

8-расм. Тарновдаги бир вақтнинг ўзида жойлашадиган чигит массасининг ўзгаришига боғлиқ равишда қия тарновнинг бурчак тебранишларининг ўзгаришига боғлиқлиги


Диссертациянинг учинчи "Экспериментал тадқиқотлар натижалари ва усуллари" бобида лаборатория ва ишлаб чиқариш тадқиқотларини ўтказиш учун махсус ишлаб чиқилган усуллар, шу жумладан:

- дозаторнинг асосий параметрларига боғлиқ ҳолда иш унумдорлигини аниқлаш, сарф идишидаги ишчи суспензияни гидравлик босимдан қатъи назар, сепгич (форсунка) га керакли миқдордаги ишчи суспензияни етказиб беришни таъминлайдиган суспензия стабилизаторини ўрганиш;

- уруғларнинг тебранувчи тарновнинг эгилиш бурчагига боғлиқ ҳолда, суспензиянинг оқим тезлигини ўрганиш; чигитнинг дориланиш тўлиқлигини ўрганиш;

- чигитликларни дориланиш бир текислигини ўрганиш ва бошқа маълумотлар келтирилган.

Уруғлик чигит дозаторининг параметрларини аниқлаш бўйича экспериментал тадқиқотлар натижалари берилган. 9-расмда арра тишларининг колосникдан чиқиш баландлигини дозаторнинг иш унумдорлигига таъсири кўрсатилган.



9-расм. Арра тишларининг колосникдан чиқиш баландлигини дозаторнинг иш унумдорлигига таъсир графиги

Созлашнинг турли вариантларида ўтказилган тадқиқотлар натижаларининг таҳлили (9-расм) шуни кўрсатдики, арра тишларининг колосникдан чиқиш баландлиги 7-10 мм га тенг бўлгани ҳолда, аррали цилиндрнинг арра тишларидан ростланувчи деворига масофа $S=20$ мм га тенг бўлса дозаторнинг иш унумдорлиги камида 4000 кг / соат га тенг бўлишига эришилади. Бу ҳолатда, чигит дорилагичга бир текисда етказиб берилади ва қўйилган шартларни бажарилишини таъминлайди.

Тўлиқ факторли тажрибалар ўтказилди. 1-жадвалда кириш омилларининг қийматларини келтирилган.

Кирувчи омилларнинг қийматлари

№	Омиллар номи	Ўлчов бирлиги	Белгила-ниши	Ўзга-риш оралиғи	Омиллар қийматлари		
					-1	0	+1
1	Тебранувчи тарнов ўқидан автоматик жўмраккача бўлган масофа	мм	X_1	4	44	48	52
2	Тебранувчи тарновнинг горизонтал текисликка эгилиш бурчаги	градус	X_2	4	32	36	40
3	Дорилаш бўйича иш унумдорлиги	кг/соат	X_3	500	3000	3500	4000

Қуйидаги регрессия тенгламалари олинди:

Y_1 - дорилагичнинг ишчи суспензия бўйича сарфи:

$$Y_1 = 27,168 + 2,420X_1 - 2,533X_2 + 1,150X_3 + 0,647X_1^2 - 0,529X_1X_2 - 0,546X_1X_3 + 1,047X_2^2 + 0,487X_2X_3;$$


Y_2 - уруғлик чигитнинг дориланиш тўлиқлиги:

$$Y_2 = 90,506 + 8,127X_1 - 8,437X_2 + 3,830X_3 + 2,237X_1^2 - 1,775X_1X_2 - 1,842X_1X_3 + 3,454X_2^2 + 1,583X_2X_3;$$

Параметрлар замонавий компьютер дастурлари ёрдамида тасодифий қидириш усулларида фойдаланган ҳолда оптималлаштирилди. Натижада, технологик жараённинг қуйидаги мақбул параметрлари олинди: тебранувчи тарнов ўқидан автоматик жўмраккача бўлган масофа 44 мм, тебранувчи тарновнинг горизонтал текисликка эгилиш бурчаги 36° ва дорилагичнинг иш унумдорлиги 4000 кг/соат.

Омилларнинг олинган қийматларида дориланишнинг бир текислиги ва тўлиқлиги 4000 кг/соат иш унумдорлигида таъминланади.

Тўртинчи **"Ишлаб чиқариш синовлари ва иқтисодий самарадорлиги"** бобида илмий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида юқори технологик параметрларга эга бўлган такомиллаштирилган тукли уруғлик чигит дорилаш ускунаси ишлаб чиқилгани (10 ва 11-расмлар, FAP № 00873 ва FAP № 01412) ва унинг рационал технологик кўрсаткичларини ишлаб чиқариш синовлари натижалари келтирилган.



10-расм. Ишлаб чиқилган уруғлик чигитни дорилагич

1-сарфлаш идиши; 2-чигит бункери; 3-чигит дозатори; 4-суспензия стабиллаштиргич; 5-қия тарнов; 6-форсунка; 7-чигитни тез аралаштириш қурилмаси; 8-компрессор



11-расм. Уруғлик чигит дорилагичнинг умумий кўриниши

Қўшқўпир пахта тозалаш корхонаси тизимидаги ихтисослаштирилган уруғлик чигит тайёрлаш цехида тукли чигитни дориллаш ускунасининг такомиллаштирилган экспериментал намунасида ишлаб чиқариш синовлари ўтказилди. Синов натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Дориллаш ускунасини ишлаб чиқариш шароитида ўтказилган синов натижалари

Тажриба вариантлари	Дориллаш ускунасининг иш унумдорлиги, т/соат	Дорилагичнинг ишчи суспензия сарфи, л/соат			Ўртача қиймат, л/соат	Ишчи суспензиянинг ҳақиқий сарфи т/л	Чигитни механик шикастланишини ошиши, %
		Тажрибалар қайтарилиши					
		1	2	3			
1	2,5	69,0	68,7	67,8	68,5	27,4	0,9
2	3,0	83,5	83,2	82,1	82,9	27,6	1,0
3	3,5	97,2	96,1	95,3	96,2	27,5	0,9
4	4,0	109,7	110,2	107,6	109,1	27,2	0,9

2-жадвал натижаларидан хулоса қилишимиз мумкинки, такомиллаштирилган тукли уруғлик чигит дорилаш ускунаси талаб этилган иш унумдорлигини таъминлагани ҳолда, дориланаётган уруғлик чигитнинг ҳар бир тоннасига тавсия этилган миқдордаги суспензия сарфини бир текисда берилишини таъминлайди.

Уруғлик дорилагичнинг бир соатига уруғлик чигит сарфи бўйича экспериментал маълумотлар уруғлик дорилагичнинг ишчи суспензиясининг назарий сарфлари тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқилган автоматик жўмрак тебранувчи тарнов мажмуаси ёрдамида дозаторнинг иш унумдорлигига керакли ишчи суспензия сарфини автоматик созлашни таъминлайди, бундай автоматик созланишни мавжуд уруғ дорилаш ускуналарида амалга ошириб бўлмайди.

Тукли уруғлик чигитларни дорилашнинг тавсия этилган конструкциясини тукли уруғлик чигитларни дорилаш ишларида фойдаланишдан йиллик 35,978 минг сўмлик иқтисодий самара олинишига эришилади.

ХУЛОСА

Пахтанинг тукли чигитини дорилаш ускунаси ва унинг параметрларини асослаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

1. Дорилаш ускунаси иш унумдорлигининг барабани тиши колосник панжарасидан чиқиш масофасига боғлиқланиши таҳлили асосида дорилаш ускунасининг иш унумдорлиги (4,0÷4,5) т гача бўлишини таъминлаш учун барабан тишининг колосникдан чиқиш баландлиги $(7,0\div 10,0)\cdot 10^{-3}$ м оралиғида бўлиши кераклиги аниқланди.

3. Тарновнинг тебранишлари диапазонидаги ўзгарувчанлигини шу тарновда жойлашган чигитлар умумий массасига боғлиқлик графиги кўрсатадики, чигитлар умумий массаси $\sum m_c$ нинг кўпайиши билан тарновнинг тебранишлари амплитудаси чизиқли бўлмаган мунтазамликка қараб ортади ва иш унумдорлиги 4,0-4,5 т / соат, юкнинг массаси 1,3 кг бўлганда жараён самарадорлиги таъминланади.

4. Уруғлик чигитнинг тезлигини тарновнинг эгилиш бурчаги ва чигитнинг харакатланиш миқдorigа боғлиқлик графиклари асосида $\beta=40^{\circ}\div 45^{\circ}$, $f=0,30$, бўлганда дорилагичнинг чигит бўйича иш унумдорлиги (4,0 ÷ 4,5) т/соат бўлиши таъминланади.

5. Тарновнинг тебранишлар амплитудасининг юк массаси ва юкли дастакнинг жойлашиш бурчагини ўзгаришига боғлиқлиги ўрганилганда тебранувчи тарнов билан юк дастаги орасидаги бурчакнинг тавсия этилган қийматлари ($75^{\circ}\div 80^{\circ}$) бўлиши асослаб берилди.

6. Дозаторнинг арра цилиндри тишларидан унинг ростлаш деворигача бўлган масофа $S=20$ мм ва тишларнинг аррали цилиндрининг колосникли панжарасидан чиқиши 7-10 мм бўлганда, дорилагичнинг иш унумдорлиги камида 4000 кг / соатни ташкил қилиши аниқланди.

7. Ўтказилган амалий тажрибалар натижасида ишлаб чиқилган ишчи суюқликни гидравлик стабиллаштиргичи сарф идишидаги дори суспензиясини миқдоридан қатъий назар дорилашга узатиладиган суспензия миқдорини белгиланган ва ўзгармаган ҳолда сақлаши исботланди.

8. Экспериментал маълумотлардан суспензиянинг (25 дан 30 л / т гача) сарфи даражаси экспериментал дорилагичнинг дорилаш тўлиқлиги 85 ... 99% бўлиб, агротехник талабларга жавоб беради.

9. Кўп факторли тадқиқотлар натижаларига кўра рационал қиймат сифатида: тебранувчи тарнов ўқидан автоматик жўмракча бўлган масофа 44 мм, тебранувчи тарновнинг горизонтал текисликка эгилиш бурчаги 36° , дорилаш бўйича иш унумдорлиги 4000 кг/соат қабул қилинди.

10. Тавсия этилган дорилаш ускунасининг ишлаб чиқариш синовлари натижалари шуни кўрсатдики, дориланган чигитлар барча кўрсаткичлари билан дориланган уруғлик чигитларга амалдаги стандарт талабларига жавоб беради, дорилаш тўлиқлиги камида 80-85%, дорилаш бўйича иш унумдорлиги 4,0 т/соат дан кам эмас, ишчи суспензиянинг миқдори 25-30 л/т атрофида ва дориланган чигитларни механик шикастланишининг ортиши 1,0% дан ошмайди.

11. Тавсия этилган пахта уруғлик чигити дорилагичини жорий этишдан кутилаётган йиллик иқтисодий самара битта ўрта қувватдаги корхонага 35978 минг сўмни ташкил этади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАМАНГАНСКОМ
ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

АО «РАХТАСАНОАТ ИЛМИҲУ МАКАЗИ»

АКРАМОВ АЛИШЕР АШУРАЛИЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА УСТРОЙСТВА ДЛЯ ПРОТРАВЛИВАНИЯ
ОПУШЁННЫХ СЕМЯН ХЛОПЧАТНИКА И ОБОСНОВАНИЕ
ЕГО ПАРАМЕТРОВ**

**05.02.03 – Технологические машины. Роботы, мехатроника
и робототехнические системы**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.4.PhD/T781.

Диссертация выполнена в акционерное общество “Paxtasanoat ilmiy markazi”.


Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-сайте Наманганский инженерно-технологический институт (www.namti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	Джамолов Рустам Камолидинович кандидат технических наук, старший научный сотрудник
Официальные оппоненты:	Мухаммадиев Давлат Мустафоевич доктор технических наук, профессор Абидов Авазбек Азаматович доктор технических наук, доцент
Ведущая организация:	Джизакский политехнический институт

Защита диссертации состоится 22 август 2020 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD 03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-68, факс: (69) 228-76-75. e-mail: niei_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 384). Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 228-76-68.

Автореферат диссертации разослан 17 август 2020 года.
(реестр протокола рассылки № 23 от 17 август 2020 года).



Р. Мурадов
Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук профессор

О. Саримсаков
Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

К. Холиков
Председатель Научного семинара при научном совете
по присуждению ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Главным Ассамблеей ООН – 7 октября объявлен Всемирным днем Хлопка. В связи с этим 7 октября 2019 года в городе Женеве на проведенной форуме «хлопок-признан для человечества Глобальным товаром»¹. На мировом хлопковом рынке увеличение противоборства за рынок, на хлопкосеющих странах выращивание новых селекций хлопка и районирование, на основе совершенствование технологий подготовки посевных семян улучшение качеств и уменьшение производственных расходов и оптовых стоимости семян является актуальными задачами.

Из вышеописанного улучшение посевных качеств и уменьшение себестоимости семян на мировом рынке, повышение всхожести с протравливанием, повышение стойкости к заболеваниям во всех стадиях подготовки семян, в том числе при применении химических препаратов, определение факторов отрицательно влияющих на качества и их предотвращение, создание ресурсосберегающих технологий снижающих расходов на подготовки посевных семян остаётся самой престижной задачей.

В подледные годы в республике принимаются комплексные меры по выращивание хлопка, развитие его первичной переработки, расширение ассортимента и видов готовых продуктов, в том числе поддерживается экспортные возможности предприятий отрасли.

В отрасли создаётся хлопково-текстильные кластеры, развивается хлопковое семеноводства, выращивание хлопка и его переработка с получением готовых трикотажных изделий из волокна и предпринимается меры по развитию системы экспорта готовой продукции.

Имея в виду зависимость качества продукции можно видеть, что первичным фактором при изготовлении качественных текстильных изделий развитие технологии и техники для подготовки посевных семян хлопчатника.

Из вышеизложенного, создание технологии обработки хлопковых семян, обеспечивающий равномерной протравки с расходом нормированной количестве рабочей суспензии, совершенствование технологии с ресурсосберегающим техническим решением является актуальной задачей.

На основании вышеизложенного можно утверждать, что разработка протравливателя опушенных семян хлопчатника, позволяющего повысить равномерность и полноту протравливания является актуальной задачей.

